

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЛОҲИДА МУҲИМ ВА ТОИФАЛАНГАН
ОБЪЕКТЛАРИДА ҚўРИҚЛАШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ, СОЗЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ВА ТЕХНИК
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШГА РУХСАТНОМА БЕРИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга руҳсатнома бериш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ** иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш юзасидан шартномалар тузишда ушбу қарор билан тасдиқланган **Низом** талабларига қатъий амал қилсинлар, шунингдек идоравий мансуб ташкилотлар томонидан низомга оғишмай риоя этилишини таъминласинлар.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-хукукий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирасинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 6 октябрь,
279-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 октябрдаги 279-сон **карорига**
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида
қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш,
таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга руҳсатнома бериш
тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга руҳсатнома бериш тартиби ва асосларини (кейинги ўринларда руҳсатнома деб аталади) белгилайди.

2. Аниқлаш воситалари, объектга киришни назорат қилиш ва бошқариш воситалари, аниқлаш воситалари ҳамда объектга киришни назорат қилиш ва бошқариш воситаларидан олинган ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва акс эттириш воситалари, алоқа ва хавфни билдириш-чақириш сигнализацияси воситалари, телекузатиш воситалари, кабель тармоқлари ва бошқа коммуникациялар, ностандартлаштирилган асбоб-ускуналар, ёрдамчи воситалар

(кўриқлашнинг техник воситалари электр таъминоти тизими, кўриқловчи ёритиш) кўриқлашнинг техник воситалари ҳисобланади.

Олдинги таҳтирга қаранг.

3. Ушбу Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринларда махсус ваколатли орган деб аталади) томонидан расмийлаштирилган рухсатномага эга бўлмаган юридик шахсларни Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган обьектларида кўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун жалб этишга йўл қўйилмайди.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 568-сонли қарори таҳтирида — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2019 й., 09/19/568/3403-сон)

4. Рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган ёнфинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш сигнализацияларини, ёнгиндан дарак берувчи ва ёнгиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш хукуқига лицензияга (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) эга бўлган юридик шахсларга расмийлаштирилиши мумкин.

II. Рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

5. Рухсатнома олиш учун юридик шахс махсус ваколатли органга:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукукий шакли, у жойлашган жой (почта манзили), юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган кўриқлаш, лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишнинг техник воситалари турлари кўрсатилган рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани;

Олдинги таҳтирга қаранг.

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

(5-банднинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 377-сонли қарорига асосан учинчи хатбошига алмаширилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда)

тегишли ҳужжатларни (олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги дипломлар, сертификатлар ва малака тоифаси берилганлиги, охирги уч йилда малака ошириш ва махсус тайёргарлик курсларидан ўтганлик тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар) илова қилган ҳолда ҳар бир ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, паспортининг серияси ва рақами, яшаш жойи ва маълумоти, юридик шахснинг штатида эгаллаб турган лавозими ва мутахассислик бўйича иш стажини кўрсатган ҳолда ходимларнинг малака таркиби тўғрисидаги маълумотларни;

охирги уч йилда ёнфинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш сигнализацияларини, ёнгиндан дарак берувчи ва ёнгиндан сақловчи сигнализацияларни ва техник кўриқлашнинг бошқа воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни;

штатда:

психик касалликлар, гиёхвандлик, токсикомания ёки алкогольизм билан боғлиқ ҳолда диспансер ҳисобида турган;

уларга нисбатан жиноий иш кўзғатилган;

касдан жиноят содир этганлиги учун судланган ходимлар йўклиги тўғрисидаги маълумотларни (тегишли тиббиёт муассасалари ва худудий ички ишлар органларидан берилган маълумотномалар илова қилинган ҳолда) тақдим этади.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Махсус ваколатли орган рухсатнома бериш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур хужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган хужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

(5-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 377-сонли қарорига* асосан хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда)

III. Аризани кўриб чиқиши, рухсатнома бериши ва рухсатнома беришни рад этиши тартиби

6. Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга рухсатнома бериш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

7. Махсус ваколатли орган 30 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда юридик шахс томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади, улар асосида рухсатнома бериш ёхуд рухсатнома беришни рад этиши тўғрисида қарор қабул қиласди.

8. Рухсатнома олиш учун юридик шахсларга қўйидаги талаблар қўйилади:

юридик шахсда камида учта саноат (ишлаб чиқариш) обьектида ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни ва техник қўриқлашнинг бошқа воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш соҳасида камида уч йиллик иш тажрибаси мавжудлиги;

юридик шахснинг штатида тегишли ихтисослашув бўйича (ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни ва техник қўриқлашнинг бошқа воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш) ихтисосли тайёргарликка ва камида уч йил иш стажига эга бўлган камида уч нафар ходим мавжудлиги.

9. Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш бўйича фаолиятни амалга оширишда шахсларнинг қўйидаги тоифаларини:

доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни;

хорижий шахсларни ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни;

психик касалликлар, гиёхвандлик, токсикомания ёки алкогольизм билан боғлик ҳолда диспансер хисобида турган шахсларни;

уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган шахсларни;

қасддан жиноят содир этганлиги учун судланган шахсларни ёллашга ёки ишга жалб этишга йўл қўйилмайди.

10. Рухсатноманинг амал қилиш муддати юридик шахснинг аризасига мувофиқ белгиланади, бироқ лицензиянинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

11. Рухсатнома берилгандан кейин махсус ваколатли орган юридик шахсни берилган рухсатномалар реестрига киритади.

12. Қўйидаги ҳолларда:

зарур тарзда расмийлаштирилмаган хужжатлар тақдим этилган ёки хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда;

тақдим этилган хужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлганда;

Олдинги таҳрирга қаранг.

юридик шахс ва унинг ходимлари ушбу Низомнинг 4, 8 ва 9-банларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаганда рухсатнома бериш рад этилиши мумкин.

(12-банднинг тўртинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 377-сонли қарори таҳририда* — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда)

13. Юридик шахсга рухсатнома беришни рад этиши асосланиши ва ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак.

14. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда юридик шахс аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин рухсатнома олиш учун тақороран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

15. Махсус ваколатли орган қуйидаги асослар бўйича:

юридик шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг алоҳида мухим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари сифатсиз бажарилганда;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида мухим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятлари бир неча марта бузилганда ёки уларга риоя қилинмаганда;

лицензия муддати тамом бўлганда;

юридик шахс рухсатноманинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

юридик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан ёки қайта ташкил этиши натижасида унинг фаолияти тўхтатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан бошлаб, уни ўзгартириш бундан мустасно;

рухсатнома амал қилиш даврида рухсатнома бериш рад этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда берилган рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга.

16. Рухсатноманинг амал қилиши тўхтатилиши тўғрисидаги ёзма шаклда зарур тарзда расмийлаштирилган қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида юридик шахсга юборилади.

17. Рухсатнома олган юридик шахслар ҳар йили 1 февралгача махсус ваколатли органга объектларни, уларнинг идоравий мансублигини, ўрнатилган қўриқлашнинг техник воситалари турлари ва сонини кўрсатган ҳолда алоҳида мухим ва тоифаланган объектларда қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича улар томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шарт.

18. Берилган рухсатномалар реестридаги маълумотлар манфаатдор шахсларнинг улар билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича улардан кўчирма сифатида тақдим этилади.

IV. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва унинг дубликатини бериш

19. Юридик шахс қайта ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда юридик шахс ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда махсус ваколатли органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқлайдиган тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

20. Рухсатнома қайта расмийлаштирилгунга қадар юридик шахс унда кўрсатилган фаолият турини олдин берилган рухсатнома асосида амалга оширади.

21. Рухсатномани қайта расмийлаштиришда махсус ваколатли орган берилган рухсатномалар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Рухсатномани қайта расмийлаштириш рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

22. Рухсатномани қайта расмийлаштиришда ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришда юридик шахс олдин берилган рухсатномани махсус ваколатли органга қайтаради.

23. Йўқотилган ёки амал қилиш муддати тамом бўлмаган, бироқ яроқсиз ҳолга келган рухсатнома ўрнига юридик шахснинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

24. Дубликат беришда янги рухсатномада «Дубликат» белгиси қўйилади, шунингдек олдинги рухсатномада белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилади.

V. Якунловчи қоидалар

25. Ишларнинг бажарилишини назорат қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

26. Ушбу Низомни бузганлик учун айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

(*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 450-модда; 2015 й., 1-сон, 9-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2018 й., 09/18/396/1287-сон; 11.07.2019 й., 09/19/568/3403-сон*)